*Олий Мажлис сессияси олдидан*

# Интеллектуал мулк бозорини ривожлантиради

**Бугунги кунда ҳаётимизни электроника, компьютер ва бошқа замонавий асбоб-ускуналарсиз тасаввур этиб бўлмайди. Масалага шу жиҳатдан қараганда, Олий Мажлис сессияси муҳокамасига киритилаётган "Интеграл микросхемаларнинг топологияларини ҳуқуқий муҳофаза қилиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси ўзининг мазмун-моҳияти жиҳатидан муҳим ўрин тутади. Мамлакатимиз микроэлектрон индустриясини ривожлантиришга хизмат қилади. Шу муносабат билан мухбиримиз Қонун лойиҳаси хусусида тушунча беришни сўраб, Олий Мажлиснинг Саноат, қурилиш, транспорт ва алоқа масалалари қўмитаси котиби Муродилло АБДУЛЛАЕВга мурожаат этди.**

— Лойиҳа тўғрисида сўз юритишдан олдин "Интеграл микросхема нима?" деган саволга қисқагина тўхталиб ўтсак, мақсадга мувофиқ бўларди, – деб сўз бошлади М. Абдуллаев. —Интеграл микросхема электрон вазифаларни бажаришга мўлжалланган микроэлектрон буюмлардир.

21 моддадан иборат ушбу Қонун лойиҳасида интеграл микросхемалар топологияларининг ҳуқуқий муҳофаза қилиш объекти ва шартлари, уларни рўйхатдан ўтказишга доир давлат экспертизаси тартиби, муаллифлик гувоҳномаси бериш, патент божлари тўлаш ва топологиядан фойдаланишнинг бир қатор ҳуқуқий меъёрлари атрофлича белгилаб берилган. Хусусан, лойиҳанинг 4-моддасида ижодий меҳнат билан топологияни яратган жисмоний шахс — муаллиф, борди-ю, у икки ва ундан ортиқ шахслар ҳамкорлигида яратилган бўлса, унинг ижодкорлари ҳаммуаллифлар деб юритилиши кўрсатилган. Кўпинча ҳаётда шундай ҳоллар ҳам бўладики, янгиликни бир киши яратади-ю, унга ташкилий ёрдам берганлар ҳам ҳаммуаллиф бўлишга даъвогарлик қилишади. Ушбу модда бундай ҳолларга бутунлай чек қўяди. Шунингдек, лойиҳанинг 6-моддасида муҳофаза қилинадиган топологияни, шу топологияли интеграл микросхемани ёки шундай интеграл микросхемани ўз ичига олган буюмни ҳуқуқ эгасининг рухсатисиз қўллаш, олиб кириш, сотувга қўйиш маън қилинган. Бу ҳол мутлақ ҳуқуқнинг бузилиши деб эътироф этилган.

14-моддада топологиядан фойдаланишга бўлган мутлақ ҳуқуқ ўн йил давомида амал қилиши кўрсатилган. 15-моддада эса бу ҳуқуқнинг бошқа шахсларга беришнинг меъёрлари белгиланган. Бундан ташқари, лойиҳада Ўзбекистон Республикаси фуқаролари ўзлари яратган топологияларни бошқа давлатларда белгиланган тартибда рўйхатдан ўтказиш ҳуқуқига эга эканлиги таъкидланган.

Энг муҳими, Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида бир қатор ривожланган давлатларнинг бу борадаги тажрибаси ўрганилди. Лойиҳа Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, Фуқаролик кодекси ҳамда бу соҳадаги халқаро меъёрларга мослаштирилди. Шу жиҳатларига кўра, у Бутунжаҳон Савдо ташкилоти доирасида амал қилиниб келинаётган «Интеллектуал мулк бўйича савдо ҳуқуқлари келишуви» талабларига ҳам тўлиқ жавоб беради. Бу Бутунжаҳон Савдо ташкилотига аъзо бўлиш арафасида бўлган мамлакатимиз учун кенг имкониятлар яратади.

Мухтасар қилиб айтганда, "Интеграл микросхемаларнинг топологияларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонун лойиҳаси мамлакатимизда интеллектуал мулк бозорининг янада ривожланишига ва микроэлектрон, радиоэлектрон техникаларнинг жаҳон андозалари талабларига жавоб берадиган нусхаларининг яратилишига туртки бўлади.

**Баҳодир ОСТОНАҚУЛОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Пухта таҳлил, қизғин муҳокама

Олий Мажлис Иқтисодиётни ислоҳ қилиш ва тадбиркорлик қўмитаси раисининг ўринбосари Комил ЙЎЛДОШЕВнинг маълумотларига қара анда, қўмита сессия орал ıғида режага мувофиқ янги қонун лойиҳаларини тайёрлаш, амалдаги қонунларнинг жойлардаги ижросини ўрганиш юзасидан муайян ишларни амалга оширган. Масалан, навбатдаги сессия кун тартибига «Лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати тўғрисида»ги масала киритиляпти. Шу ўринда унга қандай эҳтиёж туғилди, деган савол туғилиши табиий. Боиси, илгари «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида» Қонун қабул қилинган эди. Мазкур қонуннинг 7-моддасига мувофиқ ҳукумат томонидан лицензияланиши лозим бўлган фаолият турларининг рўйхати Олий Мажлисга тақдим қилиниши керак. Айни пайтда ҳукумат ана шу рўйхатни Парламентга тақдим этди. Ушбу рўйхат ҳозир тегишли вазирлик, идора, уюшма ва корхоналар билан биргаликда ўрганиб чиқилмоқда. Қўмита аъзолари ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳи сессия оралиғида «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг Бухоро вилоятида қандай бажарилаётганлигини ўрганиб чиқди. Бу борадаги барча ютуқ ва камчиликлар атрофлича ўрганилди, қўмита йиғилишида муҳокама қилинди, мутасадди идораларга тегишли тавсиялар берилди.

Олий Мажлиснинг V сессиясидан кейин қўмита «Банкротлик тўғрисида»ги қонуннинг Фарғона вилоятидаги ижросини ўрганишни режалаштирмоқда. Ҳозир ишчи гуруҳи тузилиб, тайёргарлик ишлари олиб борилаяпти.

Шунингдек, қўмита аъзолари навбатдаги сессияга қўйилаётган бошқа масалалар муҳокамасида ҳам фаол иштирок этишаяпти, ўз таклиф мулоҳазаларини билдирмоқдалар.

**Ҳосил КАРИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

# Олий саодат эгаси

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ватандошларимиз қалбига чексиз ғурур ва фараҳбахш туйғулар олиб кирувчи мадҳиямиз мусиқасининг бастакори Мутаваккил Бурҳонов шу кунларда ўзининг табаррук 85 баҳорини қаршилади. Ижодкор учун ўз сўзини айтиш, уни мусиқа ёки назмда ифодалаш бахт, мустақил давлат мадҳиясини яратиш эса олий саодатдир.

Бетиним ижод қилиб келаётган М.Бурҳонов ўзининг жозибадор асарлари билан ўзбек мусиқа санъати ривожига улкан ҳисса қўшиб келмоқда. Унинг қўшиқлари, романслари, хор учун ишлаган асарлари, симфониялари мусиқа санъатимизнинг олтин хазинасидан муносиб жой олган. Бастакор шоир Абдулла Орипов билан самарали ҳамкорлик қилиб келади. Ана шу ҳамкорлик натижаси ўлароқ, "Алишер Навоийга қасида" вокал-симфоник поэмаси, "Алишер Навоий" операси сингари гўзал мусиқий асарлар яратилди.

Учрашувда таъкидланганидек, давлатимизнинг олам узра таралаётган Гимнини яратиш жараёни осон кечмаган. Зеро, жаннатмонанд юртимиз мадҳиясининг оҳанги, сўзларининг мазмуни унинг шуҳрати, салоҳияти, қудрати ва буюк келажагига мос эканига бугун бутун дунё ишонч ҳосил қилмоқда.

Тадбирда ижодкорлар талабаларнинг саволларига жавоб беришди, бастакор яратган мусиқа асарларидан намуналар тингланди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**



СУРАТДА: учрашув пайтидан лавҳа.

*Муҳаммад АМИН олган сурат.*

# Ҳамиша ёдимизда, қалбимиздасиз

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мустақилликнинг ўтган 10 йили мобайнида марҳумлар ёди олдидаги ана шу инсоний бурчимизни биз энг қутлуғ ва энг эзгу шаклларда намоён этиб келдик. Мамлакатимизда аждодлар хотирасини эъзозлаш йўлида бу даврда ҳар қандай таърифлардан юқори турадиган улуғ ишлар амалга оширилди. Ватанимизнинг турли ҳудудларида юрт ва эл озодлиги йўлида қурбон бўлганларнинг хотираси абадийлаштирилган ажойиб зиёратгоҳлар дунёга келди. Жумладан, қатағон қурбонлари бўлган ватандошларимизнинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш, хотирасини эъзозлаш бўйича улкан хайрли ишлар бошланиб, изчил давом эттирилмоқда. Пойтахтимизнинг Юнусобод туманидаги Бўзсув қирғоғида мустамлакачилик даври қурбонлари ёдгорлик мажмуаси бунёд этилиб, ҳозирги кунда бу маскан халқимизнинг энг азиз қадамжоларидан бири бўлиб қолди. Амалга оширилган улкан миқёсдаги бу ишлар замондошларимиз, хусусан, ўсиб келаётган ёш авлод қалбида ва онгида ўтганлар хотирасига ҳурмат ва эҳтиром туйғусини тарбиялашдек табаррук мақсадга хизмат қилмоқда.

Ниҳоят, Президентимизнинг куни кеча матбуотда эълон қилинган «Қатағон қурбонларини ёд этиш кунини белгилаш тўғрисида»ги Фармони бу эзгулик йўлида яна бир ғоятда савобли, ғоятда нурли қадам бўлди.

Ушбу Фармонга биноан, энди ҳаётимизда қатағон қурбонларини ёд этиш маросими энг эзгу урф-одатларимиздан бирига айланади ва бу маросим ҳар йили 31 август куни — Мустақиллик байрами арафасида Тошкент шаҳридаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуида ўтказилади.

Бундан ташқари, пойтахтимизда «Қатағон қурбонлари хотираси» музейи ташкил этилади. «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуи сайёҳлик йўналишлари рўйхатига киритилади, зиёратгоҳ ҳудуди янада ободонлаштирилади, бу ерда махсус радиолаштириш тизими жорий этилади.

Ўтмишни унутса, айниқса, уни бадном этса, жамият ўз пойига, ўз илдизига болта ургандек гап. Тарихда бунинг ачинарли мисоллари оз эмас. Аксинча, ўтмишни эъзозлаш, ўтганлар хотирасини азиз тутишдек нодир маънавий фазилат соҳиби бўлган элнинг ва юртнинг келажаги ҳамиша ишончлидир. Биз тараққиётнинг ана шундай адолатли қонуниятига амал қилиб яшаяпмиз. Ўтган инсонлар хотираси — азиз, деган таъбир биз учун шунчаки шиор эмас, балки эзгу одат, миллий удум ва кундалик турмуш тарзимизнинг бош маъноларидан биридир. Биз ўтмишдан қолган ҳар бир яхшиликни эъзозлаймиз, савоб ишларни ардоқлаймиз. Айниқса, Ватан учун, халқ учун, ёруғ миллий истиқбол учун ўзини фидо этганлар олдида бошимиз ҳамиша таъзимда, уларнинг табаррук хотиралари ёдимизда, қалбимизда.

Президентимизнинг бу Фармони ўзининг улуғ мазмуни билан ҳозирги маънавий ҳаётимизнинг энг муҳим воқеаларидан биридир. Унда ҳар биримизнинг эзгу ҳис-туйғуларимиз, руҳимизнинг энг гўзал маънолари барқ уриб турибди.

**М.САФАРОВ.**

**Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳайъатининг кўчма йиғилиши Наманганда бўлиб ўтди. Унда ҳукумат томонидан тасдиқланган 1998—2000 йилларда Наманган вилоятида бозор ислоҳотларини чуқурлаштириш ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришни жадаллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастурининг ижроси таҳлил этилди.**

# Дастур ижроси таҳлили

Ҳайъат йиғилишида аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича муайян ишлар қилинганлиги таъкидланди. Ўтган давр мобайнида Наманган вилоятида 31та қўшма корхона, 661та кичик ва 109та ўрта корхона ташкил этилди.

Айни пайтда вилоят ва туман тузилмаларининг айрим раҳбарлари хотиржамлиги оқибатида дастур ижросида жиддий хато ва камчиликларга йўл қўйилган. Хусусан, янги иш ўринлари яратиш борасида қатор нуқсонлар мавжуд. Аксарият ҳолларда юридик шахс мақомига эга бўлмаган тадбиркорлар ва деҳқон ҳўжаликлари ҳисобига иш ўринлари очилган.

Кичик ва ўрта корхоналарни вужудга келтириш бўйича 40 фоиз натижага ҳам эришолмаган Норин, Тўрақўрғон, Уйчи туманларида жиддий хатоларга йўл қўйилган.

Ҳайъат йиғилиши вилоятда 2001-2005 йилларда аҳоли оқилона бандлигини таъминлаш дастурини ҳам кўриб чиқди. Муҳокамада вилоятнинг мазкур масалага тааллуқли мутасаддилари, тижорат банклари, Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси, Деҳқон ва фермер ҳўжаликлари уюшмаси раҳбарлари иштирок этишди.

*Бизнинг мусоҳаба*

# Солиқдан қутулса бўлади...ми?

**Қандай қилиб? Мумкинмикин? Йўғ-е...**

**Бундай жавобсиз саволлар одамзотни неча даврларки, ўйлатиб келади. Лекин солиқсиз яшаб ҳам, ишлаб ҳам бўлмайди. Бу бутун дунё аҳли ҳаётининг асосий қисми билан боғлиқ жиддий масала. Ким билади дейсиз, балки океан ортидаги америкаликлар ўзларининг бир неча юз йиллик ўтмиш тажрибаларига суяниб «Бу дунёда ўлим ва солиқдан қутулиб бўлмайди», деган хулосага бежиз келмагандирлар...**

**Биз ҳам сиз билан бу ҳақда баҳслашмоқчи эмасмиз. Аксинча, кўпчилигимизни ўйлатаётган ҲАЁТ ва СОЛИҚ ўртасидаги МУВОЗАНАТ хусусида сўз юритмоқчимиз.**

**Суҳбатдошимиз — Наманган вилояти давлат солиқ бошқармаси бошлиғи Аҳрориддин КАРИМОВ ана шу икки қутбни боғлайдиган айрим мезонларни шундай изоҳлайди.**

— Билмадим, сизга эриш туюлар балки, лекин мен ҳар куни ҳаёт тарозисига рўбарў келаман. Унинг икки палласи гоҳ тенглашади, гоҳ енгиллашади, гоҳ... оғир тош босса, ўйлаб қоламан. Ва сиз айтаётган мувозанатни излайман.

**—Иккиси қачон тенглашади, деб ўйлайсиз?**

— Тарозининг ўртасида катта-катта ҳарфларда ёзишимиз шарт бўлган ҚОНУН турса, ҳеч қачон палласи алдамайди.

**— Аҳрориддин ака, узр, суҳбатимиз иқтисодиётдан кўра фалсафага яқинлашиб кетаяпти.**

— Йўқ, мен у соҳадан йироқроқ одамман. Аммо ҳаётда ҳар кимнинг ўзига хос қараши, тасаввури бўлмаса, қандай фикрлаши мумкин?

Тўғриси, журналистлар билан кўп учрашамиз, дардлашамиз. Табиатимда расмийликка ўчлик йўқлиги учун доим гурунгни ҳаётий мисолларга боғлайман.

**Менам сизга узундан-узоқ рақам-далиллар битилган қоғозларни тутқазишим мумкин. Истасак-истамасак, бизнинг фаолиятимиз ана шу ҳисоб-китобларга боғлиқ. Лекин ҳаёт фақат рақамлардан иборат эмас-ку!**

**— Ана энди мавзуимиз моҳияти очилади, шекилли ...**

— Мен ҳаётий мисолларга бежиз урғу бермадим. Келинг, яхшиси, ўз соҳамга тегишли айрим кузатувларни айтай. Менимча, солиқ тизимида уч тоифа одамлар бир-бирини инкор қилади:

**Биринчиси** — қонунларни ҳурмат қиладиган, ҳалол яшаб, ҳалол ишлайдиган ва ... ўз вақтида белгиланган солиқларни тўлайдиганлар.

**Иккинчи** тоифага мансуб кишилар эса, қаерга, қанча солиқ тўлашни билмайдиганлар.

**Учинчиси** — солиқдан бош тортадиган ва ўз чўнтакларини ўйлаб, даромадларини яширадиганлар.

Мен юқорида айтган ҳаёт тарозисига энди мана шу уч тоифани қўйиб кўрайлик. Сизу биз излаётган МУВОЗАНАТ НУҚТАСИ шу аслида. Хулосани чиқараверинг. Уч тоифага исталганча мисол айтишим мумкин.

**— Бир маълумотга кўзим тушди. У ҳам бўлса яна бевосита эл-улус ва матбуот, радио-телевидение билан боғлиқ жараён. «Ахборот-маслаҳат хизмати», «Ягона солиқ тарғиботи куни», «Солиқ синфи», махсус видеороликлар ҳамда мамлакатимиз солиқ тизими тузилганлигига ўн йил тўлиши муносабати билан тарихий музей ташкил этиш ҳақидаги турли тадбирларни ўқиб ҳайрон бўлдим...**

— Сиз санаган тадбирлар фаолиятимизнинг асосий мезонлари. Жонли мисол келтирайми? Янги асрнинг ўтган ойлари орасида 373 та ахборот-маслаҳат хизмати кўрсатилди. Яна такрорлайман, амалдаги қонунлар асосида юртдошларимизга ёрдам бердик. Наманган шаҳридаги 11-ўрта мактабда махсус «Солиқ» синфи ташкил этдик. Бу синов мамлакат миқёсида биринчи марта ўтказилаяпти. Ниҳоят, матбуот, радио-телевидение билан олиб борилаётган ҳамкорлигимиз одамлар билан тил топишда кўприк вазифасини ўтаяпти.

**— Тил топишиш, деганда, нимани назарда тутаяпсиз?**

— Барибир, тан олайлик, ҳалиям кўп соҳаларда ўзбекчилик деган ақида яшаяпти. Кимлигидан қатъи назар, идорагами ёки уйимизгами, солиқчи келса, бир қалқиб тушамиз. Нега шундай? Чунки оддийгина солиқ турларини ҳам билмаймиз. Худди ана шунинг учун ҳам аҳоли ўртасида кўп учрашув ва юзма-юз мулоқотлар ўтказаяпмиз. Махсус видеороликлар тайёрлаяпмиз.

**— Сир эмас, солиқчилар орасида хизмат вазифасини суиистеъмол қилувчилари ҳам учраб туради. Балки шунинг учун ҳам одамлар уларга хавотир билан қарашар.**

— Шоли курмаксиз бўлмайди. Одамнинг феъли қизиқ-да. Эскидан қолган ҳикматли гап бор-ку, «Кўрмаганнинг кўргани қурсин». Бу бекорга айтилмаган. Ҳаётнинг минг битта синови-имтиҳони бор. Қай биримиз ўтамиз, қайсинимиз ўтолмаймиз, буни ҳаёт кўрсатади. Биз қайси касбда ишлашимиздан қатъи назар, қонунга суянайлик. Президентимиз ўтган йили Конституция куни ҳатто боғчалардан бошлаб Асосий қонунимизни ўрганиш кераклигини алоҳида таъкидлаганларида катта ҳикмат бор. Чунки Конституция — ҳаётимиз қонуни. Шундай экан, кундалик умримиз ўлчовларини белгиловчи яна бир муҳим жиҳат — солиқ қонунчилигини ҳам ўрганиш, унга риоя қилиш тўғри, ҳалол яшаш йўлларини кафолатлайди.

**— Сиз нима деб ўйлайсиз, америкаликлар айтган ўша машҳур гап қанчалик тўғри ёки...**

— Бизнинг ўз йўлимиз бор. Майли, бу уларнинг фалсафаси. Лекин бизнинг ўз дунёмиз, ўз йўлимиз бор. Мана, буюк озодлигимизнинг ўн йиллиги остонасида турибмиз. Бу ўн йил, дарёдай оқиб кетгани йўқ. Қисқагина давр ичида катта бир мамлакат, улуғ бир халқ дунёга танилди. Ўтган ўн йил ҳеч муболағасиз айтиш мумкин, юз йилларга татийди.

Хуллас, саволингизга келсак, менинг жавобим шу: биз эркин, демократик, ҳуқуқий жамият қураяпмиз. Демак, солиқдан «қутулса» бўлади. Қачон, дейсизми? Қачонки, устувор қонунларимизга суяниб яшашга одатлансак.

**Н. ҚОБИЛОВ**
**суҳбатлашди.**

# Бунда санъат топади иқбол



(Давоми. Боши 1-бетда).

— Атрофимиздаги баъзи қўшни давлатларда театрлар, мактаблар ва кутубхоналар ёпиб қўйилаётган бир пайтда республикамизда кенг кўламли бунёдкорлик ишлари олиб борилаётганлигидан қувонаман. Юртбошимиз лойиҳани кўриш билан чекланмасдан, театримизга келди. Ҳамма ёқни синчковлик билан айланиб чиқди. Қимматли маслаҳатлар берди. Бир нарсага қаттиқ ишонч ҳосил қилдимки, у киши кучли иқтисодчи бўлиш билан бир қаторда моҳир меъмор ҳам экан. Оллоҳ юқтирганда. Айниқса, санъаткорлар билан томошабинларга яхши шароит, қулайлик яратиб берилсин деган гаплари айни муддао бўлди. Театримиз биносининг ҳар икки томонига саккиз метрдан жой қўшилиб, у уч қаватли пардозхона бўлади. Ҳам замонавий, ҳам миллий безаклар театрнинг ички, ташқи кўринишини янада кўркамлаштириб юборади. Худо хоҳласа, истиқлолимизнинг 10 йиллигини янги кошонада кутиб оламиз.

Театр одамларни тарбиялайдиган маданий-маънавий даргоҳ. Истиқлол ғоялари ва қадр-қимматини халққа тушунтириш, англатишда, баркамолу комил авлодни вояга етказишда, ёшларни фидойилик, ватанпарварлик руҳида тарбиялашда театрнинг ўрни бор. Театрда шундай бир жонли ҳаёт борки, у бизнинг кечаги кунимиз, бугунимиз ва эртамиздир.

Тез орада қурилиш-тиклаш ишлари тугалланиб, Навоий кўчасига кўрк бўладиган ушбу театр мустақиллик, озодлик ва эркинликда туб ислоҳотларни амалга ошираётган Ўзбекистон халқининг ўтмиши, ўзлиги, маънавий қадриятлари, маърифатини юксалтиришга хизмат қилаверади.

**Гулчеҳра ЙЎЛДОШЕВА,**
**Нўъмонжон МУҲАММАДЖОНОВ (суратлар),**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Банк ва тадбиркор



**Республикамиз Президенти Вазирлар Маҳкамасининг 2000 йил якунларига бағишланган мажлисидаги маърузасида банк соҳасида ўтказилаётган ислоҳотлар янада ривожланганлигини алоҳида таъкидлаб ўтди. Дарҳақиқат, банкларнинг умумий маблағи ва активлари ҳажмининг ошиши, бир томондан, мамлакатимизда кредит бериш имкониятлари кенгайганини кўрсатса, иккинчи томондан, аҳолининг банкларга бўлган ишончи ортиб бораётганидан далолат бермоқда.**

**Бундай ўзгаришларни "Пахтабанк"нинг Оқтош бўлими фаолиятида ҳам кузатиш мумкин.**

# Мижозлар ишончи ортмоқда

— Аввало, шуни айтиш керакки, — дейди мазкур бўлим бошқарувчиси Равшан Янгибоев. — Бундан бир неча йил олдинги ишимизни бугунгиси билан таққосласак, ўртадаги фарқ сезиларли даражада эканлиги яққол аён бўлади. Буни мижозлар сони ортганидан ҳам, фаолият турларининг кенгайганидан ҳам англаш қийин эмас. Биргина мисол. 1999 йилда 200 га яқин мижозимизнинг 6 тасигина деҳқон ва фермер хўжаликлари эди.. Орадан бир йил ўтиб, улар сони 50 тадан ошди. Бугунги кунда эса жами 286 мижозга намунали тарзда касса ва ҳисоб-китоб ишлари бўйича хизмат кўрсатиб келаяпмиз.

Эътиборлиси, банк ўз кредит маблағларига ҳам эга. Унинг жами миқдори 259 миллион сўмга, баланс активлари эса 285 млн. 159 минг сўмга тенг бўлиб, шундан 54 фоизи даромад келтирувчи активлардир.

Банкнинг кредит бериш имкониятлари кенгайганини мана бу мисол ҳам кўрсатиб турибди. 1999 йилда банкка бирорта деҳқон ёки фермер хўжалиги кредит сўраб келмаган эди. Ўтган йили кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларидан 15 та буюртма тушди. Уларга банк томонидан жами 21180 минг сўмлик қисқа ва ўрта муддатли кредитлар ажратилди. Йил якунида эса барча мижозларга берилган кредитлар миқдори 31300 минг сўмдан ошди.

Маълумки, банк фақат ҳисоб-китоб ишлари билан шуғулланадиган муассаса эмас. Эндиликда у кичик ва ўрта бизнес, деҳқон ва фермер хўжаликларининг ривожланиши учун жавобгар, бўш маблағларни топиш, уларни жойлаштириш ҳам унинг зиммасида. Бу масъулиятни оқтошлик банк ходимлари дилдан ҳис этиб, ҳар бир мижоз кўнглига йўл топган ҳолда, уларга турли хизматларни таклиф этмоқдалар.

Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги корхоналарининг дебиторлик ва кредиторлик қарзларини ундириш мақсадида кунлик кузатиш йўлга қўйилгани ҳам эътиборга моликдир. Банкда "Тадбиркор" бурчаги ташкил этилган. "Ишонч телефони" ишлаб турибди. Бундай амалий ишлар туфайли мижозларнинг муддати ўтган дебиторлик қарзларига барҳам берилди.

Хўш, банк кредитлари қандай самара бермоқда? "Оқ олтин" жамоа хўжалигида банк кредити ҳисобига консерва цехи қурилди. Оқтош автобус саройи ёнилғи-мойлаш материаллари сотиб олиш учун 6 миллион сўмлик қисқа муддатли кредит олиб, йўловчиларга хизмат кўрсатишни талаб даражасига кўтарди. 30 миллион сўмлик кредит ҳисобига туман хўжаликлари янги техника харид қилган бўлсалар, Оқтош шаҳридаги савдо ташкилотлари 8 хил товарни доимий равишда дўкон пештахталарига чиқариш учун банкнинг 3 ойлик кредитларидан фойдаланмоқдалар. Шунингдек, савдо корхоналарига макарон маҳсулотлари, яхна ичимликлар ишлаб чиқариш ускуналари сотиб олиш мақсадида 4 миллион сўмлик ўрта муддатли кредитлар берилди. Банк маблағларидан тиббиёт муассасалари, хусусий тадбиркорлар ҳам кенг фойдаланишаяпти.

Қисқаси, банк мижозларга кредит бериш имкониятларини йил сайин кенгайтириб, уларнинг ишончини қозониб бораяпти. Бу тадбирлар ўз навбатида туман иқтисодиётини эркинлаштириш ва амалга оширилаётган ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга ижобий таъсир кўрсатмоқда.

**Абдурасул САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

2001 йил — Оналар ва болалар йили

# Ўғлим, сенга айтаман!

**Бу катта дунёни иккитагина устун ушлаб туради — ЭРКАК ва АЁЛ! Гар бу устунларнинг бири сал оғса, дунё мувозанатини йўқотади, замин зирқирайди. Дунёни тутиб туриш — демак, бу илм ва уни ҳар икки тоифага ўргатиб бориш ҳам қарз, ҳам фарздир.**

**Ўғлоним, бахт ва бахтиёрликнинг сони минг битта. Унинг туси ҳам, мазаси ҳам турфа ва сонсиздир. Дарвоқе, бахтиёрликнинг ўзи нима? Унинг энг содда таърифи — ҚОНИҚИШ. Сенга таалluқли бўлган инсонлар, муҳит ва ишларингдан кўнглинг тўлишидир. Аммо бу дунёнинг ҳисоб-китоби жуда қаттиқ: бермасдан ололмайсан! Ҳар бир инсон — иқлим яратувчи манба, нур узатсанг, атрофинг чаман бўлади, музлаб турсанг, баҳорни ҳам қишга айлантирасан. Демак, бахтиёр бўлиш учун, аввало, ўзингни унга муносиб айла. Бошқача қилиб айтганда, бахт сенга туҳфа қилиб берилмайди, сен йўл топиб, унинг қошига ўзинг борасан. Ўғлим, шу йўлингда кўмакчи бўлайлик деб, ушбу рисолани битаяпмиз.**

Ёдингда бўлсинки, «ўғил» дегани «норғул» дегани! «Йигит» дегани «бургут» дегани ва «ўғлон» дегани «полвон» деганидир! Бошқача бўлишга ҳаққинг йўқ, балки полвон бўлишинг қийиндир, аммо полвонликка интилишинг шарт, чунки сен ўзинг туғилган остонанинг бору йўғига жавоб берасан. Мўйлабинг сабза ургандан бошлаб, отанг четга чиқиб, ўртага сен тушасан. Энди посбон ўзинг, уйингдагилар бошига қор-ёмғир ёғдирмайдиган ёпинчиқ ўзинг, уларнинг кўча ишларини тенг бўлишадиган суянчиқ ўзингсан. Қоматингга, феълингга бир назар сол-чи, шу юмушларга ярайсанми ё йўқ? Ўғил боланинг ўзи ҳам, сўзи ҳам йирик бўлиши керак! Ҳамма онасидан бир парча эт бўлиб туғилади. Оилангга қўрғон бўлмоққа БЎЛИМЛИ бўлишинг керак — бунинг учун, аввало, мушакларингни етилтир. Аёлингга, болангга сорбонликка яраш учун ИЛМЛИ мушаклар бўлишинг керакми, биринчи ишинг уйлангунча илмли, ҳунарли бўлиб олишдир!

Ўғлоним, «шаън» деган қимматбаҳо сўз бор, сен туриб, оиланинг жисмоний ишларида уйингдагиларнинг бошқаларга юкинишлари ёки сен турганда болға, кетмон кўтариб юришлари сени ўғилликка ярoқсизлигинг, эл ичида сазойи бўлишингдир.

Хотирангда бўлсин: бутунликка етаклайдиган нарса «йигитманми, йигитдай бўлишим шарт» деган ОРИЯТдир! Ўғлоним, умринг бўйи ўзингни «сен»лаб, ориятни «сиз»лаб ўтгин! Бўйингдан ориятинг баланд бўлсин! Ўғил боланинг ярашиғи шу!

* * *

Йигит киши кўча одамидир. Бу дунёнинг кўчада битадиган энг оғир ишларини эркак бажаради. Кўчада яхши кўп, ёмон кўп. Йигит киши қадамида уларга рўбарўдир. Шунинг учун унинг тафаккури ҳамиша уйғоқ бўлиши керак. Бир кўзинг билан уйингни кузат, бир кўзинг билан кўчани. Отанг меҳнаткаш, уйим-жойим дейдиган бўлса, андозасини астойдил ол. Аммо сустроқ бўлса, буни ўзига писанда қилма, лекин шу армон сенга куч берсин, кўчадаги яхшиларни синчковлик билан ўрган, ташқаридан ўргангангинг билан ичкарингни тузат. Бу ишинг ҳар тарафлама савоб бўлгуси: аввало, отангнинг айбини ювасан, қолаверса, онангнинг армонини оласан! Ва шу тарзда ўзингни юксалтириб борасан. Луқмони Ҳакимдан «Қандай қилиб бунчалик даражага эришдингиз?» десалар, «Ёмон ишларнинг тескарисини қилиб», деб жавоб берган экан. Ота-онанинг хатоларини кўзга суртиб юриб тузатмоқ ҳам ўғил фарзанднинг иши. Сен оғринмай шундай қилавер, роҳатини ўғлингдан кўрасан...



* * *

Ўғлоним, ўнта бармоғинг ўнта шогирд болангдир — ҳар бирини ҳар хил ҳунарга ўргат. Отанг бойдир, камбағалдир — ҳунар ўрганишдан уялма. Ҳунарли йигит, қўли қадоқ йигит энг чиройли йигитдир ва қизларнинг энг бахтлиси ўшаларга тушади! Қунт билан атрофингга бир қара-я, ҳунари борки одам бекаму кўст яшайди. Сен шундай бўлиб олки, ҳам ҳунаринг бўлсин, ҳам дипломинг!

Ҳамма ота-онани ҳам бола тарбиясида тадбиркор ва пухталик билан иш юритади деб бўлмайди. Улар «Бизнинг топганимиз сенга умр бўйи етади», деб овутсалар ҳам, қийин юмушлардан сени аягилари келиб турса ҳам, ҳушёр бўл, ўзингни тут: билгинки, сен 17-18 ёшга кирган заҳотинг ота-онангда ҳақинг қолмайди, бу бир. Меҳнатга қобилиятинг расо бўла туриб, уйдагиларнинг ҳисобига қорин тўйдириб юришнинг ўзида йигитчилик йўқ, бу икки. Қолаверса, бу — дунёи бевафо, ота-онангни сенга боғлаб қўйган эмас. Қирққа кирган ота-она ҳам умрининг ярмини яшаб бўлган одам, уларнинг топганини еб эмас, уларга топганингни едиришга улгуриб қол! Қолдирган моллари тоғ эса-да баракоти бўлмас ва ҳамиша хомталашдир. Катталарингнинг борида белингни тиккала, албатта бир касбнинг устаси бўлиб ол. Эҳ, болам-а, ота-онадан кейин ҳеч ким сенга уларчалик харидор бўлмас ва қисматинг учун жон куйдирмас, хоҳишлари бўлса-да, ўзлариникидан ортолмаслар! Суянгичларинг борида ғоз туришни билиб ол, болажон!

* * *

Ҳали пешонангда «фарзанд» деган қисмат бор. Ҳамиша қиндаги қиличдай ёнингда турадиган аёлинг бўлади ҳали! Ўшаларнинг олдида тилинг қисиқ, бошинг хам бўлмасин. Рўзғор деган ғор филни ҳам ютиб юборади. Ана шу қийинчиликларни даф қила оладиган бўлиб рўзғорга киргин. Рўзғор таваккалига ошиқ отиш ўйини ҳам эмас, оғзини очиб, еймаn-ичаман деб турган бола-чақани бир оч, бир тўқ қолдириб бўлмайди. Қора қозонингни қайнатишга етадиган, соатнинг чиқиллашидай бир маромда ризқ келтирадиган тайинли машғулотинг бўлсин. Билиб қўйки, отинг сустлашган заҳоти аёлинг олдинга ўтиб кетади. Рўзғор тебратишда аёлига сорбонликни берган эркак эса биздан эмасдир! Аёли эплаган ишни удда қилолмай, ер чизиб ўтирган эркак ҳам биздан эмасдир! «Бўлар бола бошидан» деган нақл эсингда турсин. Айбингни ёпиб турган ота-онанг, аёлинг очгувчидир. Болаларинг эса оламга ёйгувчидир, ўғлоним, улар пайдо бўлгунча пухта бўлиб ол!

* * *

Атрофингга яхшилаб қара, тўрт тарафинг сабоқхонадир. Инсонни мактаб курсисигина эмас, ҳаётнинг ўзи доно қилади. Фақат берилиб кузат ва астойдил маънисини уқ! Карвонини бузмай дон орқалаб югураётган чумоли сенга меҳнаткашликни ўргатади. Арғимчоғини узмай учиб ўтаётган турналар интизомдан дарс беради. Зилдай тошни ёриб ниш ураётган қилдай майса яшаш учун кураш қандай бўлишини кўрсатади! Ўзингни солиштир ва улардан минг бора заифлигинг учун ҳар сафар уял, болам!

Одамларни кузат, ким ҳаммага ёқаётган бўлса, ўзинг кимни ҳавас қилсанг, сездирмай ўшанга тақлид қилавер. Буюк янгиланишлар ҳамиша тақлиддан бошланган. Кийинишу хатти-ҳаракат, яшаш тарзигача яхши одамлардан зимдан ўғирлагин-да, ўзингга юқтириб боравер, кимдан ўрганганинг эсингдан чиққан кундан ўша билим ўз-ўзингники ҳисобланади.

* * *

Ўғлоним, ҳамиша ақли ва феъли ўзингдан кучлиларга яқин юр. Товонларингни кўтариб бўлса-да, уларга тенглашмоққа интил, Худодан астойдил тилаб интил, сен ҳозир бир покиза мавжудотсан — ихлос билан сўрасанг, албатта беради! Халқнинг яхши гапи бор ва у айнан сенга тааллуқли: «Юзта ахмоқнинг ичида ақллиси бўлгандан кўра, ўнта ақллининг ахмоғи бўлиб юр». Шунда ютасан, болажон!

**Турсуной СОДИҚОВА.**

Ҳуқуқ бурчаги

# ПУЛИМНИ ОМОНАТГА ҚЎЙМОҚЧИМАН...

***? — Бизни солиқ тўловчиларнинг даъво қилиш муддати тўғрисидаги маълумотлар қизиқтиради.***

**О. УЛАШОВ.**
**Қўшработ тумани.**

— Солиқ кодексининг 124-моддасида белгиланишича, солиқ тўловчининг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ортиқча тўланган солиқлар, йиғимлар ва жарималар суммасини бюджетдан қайтариб олиш учун даъво қилиш муддати фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ белгиланади.

Солиқлар, йиғимлар ва жарималарни бюджетга тўлаш ва ундиришга доир эътирозларни тақдим этиш учун даъво қилиш муддати қуйидагича белгиланади: даромадлар тўғрисида декларациялар тўлдирган, молиявий ҳисоботларни тақдим этган солиқ тўловчиларга нисбатан — уч йил;

солиқ суммаси 20 фоиздан кўпроқ камайтириб кўрсатилганлиги (яширилганлиги) аниқланганда — беш йил.

Даъво қилиш муддатининг ўтиши, фуқаролик қонун ҳужжатларига мувофиқ тўхтатиб турилади, тугатилади ва тикланади.

* * *

***? — Энергия таъминоти корхонаси билан шартнома тузганман. Агарда энергия узилиши туфайли маҳсулотим сифатсиз чиқса ёки вақтида истеъмолчига етиб бормаса энергия таъминоти корхонаси жавобгар бўладими, йўқми?***

**Т. БЕКТЕМИРОВ,**
**Бухоро шаҳри.**

— Энергия таъминоти шартномаси бўйича мажбурият тўлиқ ёки лозим даражада бажарилмаган ҳолларда энергия билан таъминловчи ёки абонент шу туфайли етказилган ҳақиқий зарарни қоплаши шарт.

Агар энергия беришдаги узилишлар қувват ва энергия етишмаслиги сабабли етказувчи томонидан қонун ҳужжатлари асосида истеъмолни тартибга солиш натижасида юз берган бўлса, энергия билан таъминловчи айбдор бўлган тақдирдагина шартнома мажбуриятларини тўлиқ ёки қисман бажармагани учун жавоб беради.

* * *

***? — Ортиқча пулимни омонатга қўймоқчиман. Эшитишимча, банк мижози ҳақидаги маълумотни сир сақларкан. Борди-ю, бу сир ошкор бўлиб, менга зарар етса, бу зарарнинг қопланишини банкдан талаб қилишга ҳақим борми?***

**Ф.АЛИМОВА.**
**Челак шаҳри.**

— Банклар банк ҳисоб варағи, омонати, операциялар ҳамда мижоз ҳақидаги маълумотларнинг сир сақланишини кафолатлайди.

Банк сирини ташкил этувчи маълумотлар фақат мижозларнинг ўзларига ёки уларнинг вакилларига берилиши мумкин. Давлат органлари ва мансабдор шахсларга бундай маълумотлар қонунда назарда тутилган ҳоллар ва тартибдагина берилади.

Бундай маълумотлар банк томонидан қонунга зид тарзда ошкор қилинса, ҳуқуқлари бузилган мижоз келтирилган зарарнинг ўрнини қоплашни банкдан талаб қилишга ҳақлидир.

**Эркин МАВЛОНОВ**
**тайёрлади.**

# Ғаллаорол яйловларида



Чўпон таёғи... Чўпонликни кимдир касб деса, кимдир ҳунар дейди. Бироқ ғаллаороллик Тошкенбой Тиллаев чўпонликни ҳаётий зарурат деб ҳисоблайди. Сабаби, у чорвадорлар сулоласи вакили. Шу боис узоқ йиллардан буён «Ғаллаорол» агрофирмасида чўпонлик қилиб келади. Бугунги кунда унинг ўғли Мавзуддин ҳам ота сафдоши.

***СУРАТЛАРДА: 2-бўлим бошлиғи Ҳалилулла Ҳайдаров бош чўпон Тошкенбой Тиллаев ва унинг ўғли Мавзуддин билан; Ғаллаорол яйловларида.***

Шавкат **АКРАМОВ** олган суратлар.



# Катта ашула

Маданият ишлари вазирлиги «Ўзбекнаво» гастрол-концерт бирлашмаси Андижон вилояти ҳокимлиги билан ҳамкорликда «Катта ашула» ижрочиларининг 1-Республика кўрик-танловини шу йилнинг 12-13 май кунлари ўтказишни режалаштирди. Шу муносабат билан пойтахтимизнинг «Туркистон» саройида Санъатшунослик институти ҳамкорлигида илмий-амалий анжуман бўлиб ўтди.

Асосий мақсад халқимизнинг маънавий қадриятларини ривожлантириш, миллий қўшиқчилик санъатини камол топтириш борасида устоз ҳофизларнинг анъаналарини давом эттиришдир.

Танлов икки босқичда бўлиб ўтади.

**Ж. ҒОФУРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


Вазирликлар, ташкилотлар, корхоналар, банклар, халқаро ташкилотлар, қўшма корхоналар ва фирмалар диққатига!

ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИ

**2000-2001 ўқув йилида битирувчи бакалавр ва магистр ёш мутахассисларни йўлланма асосида ишга тақсим қилишга киришмоқда.**

Институтимизда таълим олган талабалар ихтисослиги бўйича чуқур билимга эга бўлиб, хорижий тилларни, замонавий информацион технологияларни мукаммал ўзлаштиришган.

Қуйидаги жадвалда келтирилган йўналишлар бўйича ёш мутахассисларга эҳтиёжи бўлган корхона, ташкилот ва муассасалар талабнома ва сўров хати билан институтимизга мурожаат этишлари мумкин.

**Талабномангизга сиз раҳбарлик қилаётган корхона ёш мутахассисларга қандай имтиёзлар бериши мумкинлиги ҳақидаги маълумотларни илова қилган ҳолда жорий йилнинг 30 июнига қадар тақдим этишингизни сўраймиз.**

**Манзил: Тошкент шаҳри, Ҳ. Асомов кўчаси, 7-уй. Маълумот учун телефон 34-23-29.**

**Сизнинг эътиборингизга мутахассислар бўйича статистик маълумотларни ҳавола қиламиз.**


**ТОШКЕНТ МОЛИЯ ИНСТИТУТИНИНГ КУНДУЗГИ БЎЛИМИНИ 2000-2001 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР ҲАҚИДА ВИЛОЯТЛАР ВА МУТАХАССИСЛИКЛАР БЎЙИЧА МАЪЛУМОТ.**

| | Мутахассислик йўналишлари / ёш мутахассисларнинг келиб чиқиш жойлари | Бакалавр | | | | | | | | Магистр | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Банк иши | Молия | Солиқлар ва солиққа тортиш | Суғурта иши | Лойиҳаларни молиялаштириш | Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси | Бухгалтерия ҳисоби ва аудит | Жами | Давлат молиясини бошқариш | Кредит | Капитал қўйилмаларни молиялаштириш ва уларнинг мониторинги | Солиқлар ва солиқ солиш | Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси | Бухгалтерия ҳисоби | Аудит | Жами |
| 1. | Тошкент шаҳри | 137 | 16 | 32 | - | 28 | 20 | 40 | **273** | 3 | 9 | 3 | 7 | 3 | 7 | 4 | 36 |
| 2. | Тошкент вилояти | 31 | 2 | 10 | 2 | 4 | 10 | 16 | **75** | 2 | 3 | 7 | 2 | 2 | 1 | - | 17 |
| 3. | Андижон вилояти | 7 | 3 | 2 | - | 1 | - | - | **13** | 2 | - | - | - | - | 1 | 1 | 4 |
| 4. | Наманган вилояти | 7 | 3 | 3 | 1 | 2 | 1 | - | **17** | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 5. | Самарқанд вилояти | 21 | 6 | 11 | 2 | 4 | - | 4 | **48** | - | 2 | 1 | - | - | - | 1 | 4 |
| 6. | Жиззах вилояти | 11 | 2 | 1 | - | - | 1 | 6 | **21** | 1 | - | - | - | - | - | 1 | 2 |
| 7. | Фарғона вилояти | 12 | 1 | 2 | - | 2 | - | 5 | **22** | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 |
| 8. | Қашқадарё вилояти | 22 | 1 | 9 | 3 | 1 | - | 9 | **45** | - | 1 | - | 4 | - | 1 | 3 | 9 |
| 9. | Сурхондарё вилояти | 10 | 5 | 5 | 1 | - | 1 | 4 | **26** | - | 1 | - | 4 | 1 | - | - | 6 |
| 10. | Бухоро вилояти | 16 | 3 | 7 | 2 | - | - | 4 | **32** | - | - | 1 | - | - | - | - | 1 |
| 11. | Навоий вилояти | 10 | - | 2 | 1 | - | 1 | 7 | **21** | - | 1 | - | - | - | 2 | 1 | 4 |
| 12. | Хоразм вилояти | 16 | 10 | 5 | 1 | 1 | 2 | 4 | **39** | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 13. | Сирдарё вилояти | 6 | - | 2 | 1 | 2 | - | 4 | **15** | - | - | - | - | - | - | - | - |
| 14. | Қорақалпоғистон | 2 | 1 | - | - | - | - | 1 | **4** | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 |
| 15. | Қозоғистон | 2 | - | - | - | - | - | - | **2** | 1 | - | - | - | - | - | - | 1 |
| | Жами | **310** | **53** | **91** | **14** | **45** | **36** | **104** | **653** | **11** | **17** | **12** | **17** | **6** | **12** | **11** | **86** |

4158

# БЕЛЛАШУВЛАР МУРОСАСИЗ, МУНОСАБАТЛАР САМИМИЙ

**Пахтакор туманидаги касб-ҳунар коллежининг муҳташам спорт саройига тўпланган кураш мухлисларининг бу қадар билимдонлиги бизни ҳайратга солди. Полвонларнинг ҳар бир чиройли ҳаракати, муваффақиятини қарсаклар билан олқишлаб турган оддий қишлоқ йигитлари рўй берган вазиятга ўртадаги ҳакамдан олдинроқ баҳо беришга ошиқадилар. Шу бош залда тез-тез «ҳалол», «чала», «ёнбош», «ғирром» деган сўзлар жўр бўлиб айтилади.**

— Белбоғли кураш Наманган Универсиадасидагидан анча шиддатли ўтаётгани барча мутахассисларни қувонтирмоқда, — деди биз билан суҳбатда мусобақа бош ҳакам Рустам Исоқов. — Ҳатто курашнинг, бу усулига энди бел боғлаган Хоразм, Жиззах вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси полвонлари ҳам яхши натижаларга эришаётганини таъкидлаш лозим.

Бош ҳакамнинг сўзлари ҳам, пахтакорлик томошабинларнинг қийқириқлари ҳам, юртимизда курашнинг нақадар оммавийлашиб улгургани ҳам ёшлар унга кўнгил қўйганидан далолатдир.

Ҳакамлар ҳайъати андижонлик Ж.Қамбаров, М.Зиёев, З.Жумақулов, Наманган вилоятидан М.Қўчқоров, Сурхондарёдан Р.Раҳмонбердиев, жиззахлик И.Муҳиддинов каби ўнлаб ёш полвонларнинг дастлабки ғалабаларини таъкидлашди.

Мусобақаларнинг кейинги кунлари эса шоир айтганидек:

*«Сор келбатли кучга*
*тўлган билакларим,*
*Шижоатда арслонсифат*
*юракларим,*
*Куйларимга қуйилмоқда*
*тилакларим,*
*Ўзбекистон*
*полвонлари!»*

ни аниқлаб берса, ажабмас. Зеро, мутахассислар фикрича, ёшлар орасида келажакда Ватанимиз шаънини, шуҳратини ҳимоя қилишга қодир, етук полвонлар бўлиб етишиши мумкин бўлган курашчилар талайгина. Шижоатли, ғурурли, келажакка ишонч билан қарайдиган, эртанги универсиадани орзу қилаётган ёшлар кўп.

Мамлакатимизда айнан ёшлар учун ташкил этилаётган оммавий мусобақалар Универсиададан бошланганлиги замирида ҳам катта маъно бор. Аввало, олий таълим тизимининг моддий-техника базаси, имкониятлари ҳисобга олинган. Қолаверса, ўтган йилги Унисерсиадада ўзига хос тажриба тўпланди. Энг муҳими эса, мана, бир йилдирки, миллионлаб йигит-қизлар ўшандай универсиадаларни орзу қилиб яшаяпти. Жиззахдаги мусобақаларда бу ҳол яққол кўзга ташланмоқда. Беллашувлар муросасиз бўлаяпти. Кеча қорақалпоғистонлик волейболчи қизлар Навоий вилояти жамоасига 1:2 ҳисобида ютқазиб қўйишди. Шунингдек, Бухоро — Андижон 0:2, Тошкент — Фарғона 2:0, Жиззах — Самарқанд 2:1. Қашқадарё — Сурхондарё 0:2, Сирдарё — Наманган 0:2 ҳисоблари қайд этилди.



Жиззахлик волейболчи йигитлар сурхондарёлик тенгдошларини 2:1 ҳисобида енгишди. Худди шундай ҳисоб Фарғона — Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси — Хоразм жамоаларида ҳам қайд қилинди. Кечаги ўйинлардаги Навоий — Қашқадарё 2:0, Самарқанд — Сирдарё — 2:0, Андижон — Тошкент вилояти 2:0 ҳисоблари ҳам бахмаллик волейбол ишқибозларини ва меҳмонларни асосий беллашувлар ҳали олдинда эканлигидан огоҳ қилди.

2-тур мусобақаларидан кейин Сурхондарё ҳамда Наманган вилояти футболчилари 6 тадан очко жамғарганликларини таъкидлаш даркор.

«Жиззах» стадионида ўтказилган енгил атлетика мусобақаларининг тантанали очилиш маросимидан сўнг беллашувлар қизғин давом этмоқда. Кўпчилик медаллар шодасини айнан шу ерда қўлга киритишни кўзлаб турибди.

Дарвоқе, куни кеча биз наманганлик енгил атлетикачилар — Валентина Иванова ҳамда Руслан Маматназинларни олтин медал билан табрикладик. Наманганнинг яна бир вакили Диана Вишиянова эса сузиш мусобақаларида иккита олтин ва битта кумуш медалга сазовор бўлди.

Кунлик мусобақалардан сўнг қайси вилоят ёшлари билан суҳбатлашманг, даврадаги шоду хуррамлик, кўтаринки кайфият, эртанги шиддатли беллашувларда қатнашадиган йигит-қизларнинг кечқурунги оммавий маданий тадбирлардаги фаол иштирокини кўриб қувончингиз янада ортади.

Бугун кечқурун Жиззахдаги «Сангзоркўл» дам олиш маданий масканида «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг барча қатнашчилари учун «Ватан, фидойингдир баркамол авлод» деб номланган катта шоу-концерт бўлади. Унда Ўзбекистон санъат усталари, эстрада юлдузлари, ёш ижрочилар энг яхши дастурларини намойиш этадилар. Аммо ўз номи билан «шоу» деб аталган асосий тадбирлар саҳнаси йигит-қизлар тўлдириб ўтирган минбарларга кўчади. Қўшимча ўрнатилган саҳналарда минглаб йигит-қизлар рақсга тушишади, жўр бўлиб, Мустақилликни шарафлаб қўшиқлар айтишади...



## БИР САВОЛГА ИККИ ЖАВОБ

### Сиз «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг ёшлар ҳаётидаги ўрни ҳақида нима дея оласиз?

**Шокир ҚОРАБОЕВ, Наманган вилояти спорт қўмитаси раиси:**

— Лўнда қилиб айтадиган бўлсам, бу тадбирни ёшлар ҳаётидаги ўрни беқиёс. Айнан жиззахлик йигит-қизлар учун эса «Баркамол авлод» янги спорт саҳифаларини очади. Буни ўзимиз мисолимизда кўриб турибмиз. Қаерда халқаро андозаларга мос спорт иншоотлари бўлса, ўша ерда улкан мусобақалар бўлади. Ўша ердан таниқли спортчилар етишиб чиқади. Кейинги авлодларда эса ҳавас, иштиёқ уйғонади. Катталардан кўрганига интилаверади ва ҳоказо.

Кечагача қўлга киритган медалларимиз сони 10 тадан ошди. Асосий мусобақалар ҳали олдинда. Бу ўтган йилги Универсиаданинг ижобий таъсири, натижаси эмасми?

**Тузинбай МУҲАНОВ, Қорақалпоғистондаги 4-Тахиатош касб-ҳунар мактаби талабаси:**

— Бу қадар тантана, оддий спортчиларга эътиборни тасаввур қилмагандик. «Баркамол авлод»га бир йил тайёрландик. Белбоғли курашга қизиқиб қолдим. Аммо бу ерга келгунча катта синовлардан ўтишга тўғри келди. Яхши бўлган экан. Самараси ёмон эмас. Чорак финалга чиқдим. Уйга қайтгач, маҳалламизда кураш секцияси ташкил этаман. Қорақалпоғистон Республикаси, Ўзбекистонни жаҳонга танитадиган спортчиларни тайёрлайман.

**Озод РАЖАБОВ,**
**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**



Ҳаёт кўзгуга ўхшайди. Унга боқиб, инсон ўзлигини англайди. Теварагидагилар учун нималар қилолгани ва қилаётганлигини ҳам тушунади. Мен бугун ана шу кўзгуга боқиб, актриса, шоира Санобар Қодированинг самимий қиёфасини кўргандай бўлдим. Серқирра ижод соҳибаси бўлиш, айниқса, аёл киши учун мушкул бўлса керак. Шунга қарамай, Санобархон одамларнинг тилига ва дилига тушди, назаримизда. У билан суҳбатимиз ана шу хусусда кечди.

## Кўзгу

**— Санобар опа, мухлисларингиз сизни ойнаи жаҳонда ижро этган интермедияларингиз орқали яхши танишади. Лекин назм ва насрда қалам тебратувчи ижодкор эканингизни билишмаса керак?**

— Мен зиёлилар оиласида катта бўлганман. Ёшлигимдан шеъриятга, санъатга қизиқардим. Машқларим матбуотда чоп этилиб турарди. Ҳозир ҳам матбуотда чиқиб тураман. Яқинда «Мен яратган дунё» номли шеърий тўпламим босилиб чиқди.

**— Ўзингиз ўзингизни актриса деб биласизми ёки шоира?**

— Буни мухлисларга қўйиб берсак. Кимдир шоира деб, кимдир эса актриса деб таниса, билса, шунинг ўзи кифоя.

**— Кечирасиз-у, мухлисларингиз сизни кўпроқ салбий рол ижрочиси сифатида билишади...**

— «Нима учун доим салбий рол ижро этасиз?» деган саволни кўча-кўйда, транспортда ҳам, ишқилиб, кўп жойда беришади. Ҳаётда ўта кўнгилчан, меҳрибон, ростгўй, самимийман ва шундайларни ахтараман. Лекин аксига шунақа рол беришади. Томошабинларнинг саволларига келсак, улардан асло ранжимайман, аксинча. Ёдда қоларли рол ўйнабманки, савол беришади...

**— Баъзи интермедияларни ўзингиз ёзиб, ўзингиз ижро этар экансиз.**

— Тўғри. Мен уларни ҳаётдан оламан. Масалан, «Учрашув»да қари қиз Парахатхон, «Борига бозор»да транспортчи аёл, «Чуқур»да она, «Ўғри»да ҳамшира, «Маслаҳатли ош»да келин, «Эълон бўйича учрашув»да носфуруш аёл ва ҳоказо...

**— Шу ўринда бир савол туғилади-да, кўпинча носфуруш, пистафуруш ролини, айниқса, маромига етказиб ўйнайсиз.**

— Ҳар бир актёрнинг ҳам ўзи билиб-билмай меҳр билан қойиллатиб қўядиган роли бўлади. Менинг ҳам характерим ўша ролга тўғри келган бўлса керак-да (кулади).

**— Устозларингиз?**

—Эргаш Каримов, Роза Каримова, Мираббос Мирзаахмедов, Мавжуда Турсуновалардан бир умр қарздорман. Қатор ролларим орқали эл назарига тушганлигимни улар туфайли деб биламан.

**— Кўпчилик санъаткорнинг оиласи билан қизиқади.**

— Икки ўғлим бор. Катта ўғлим Ихтиандр Қодиров Ўзтелерадиокомпанияда режиссёр бўлиб ишлайди. Айни чоғда, Тошкент Маданият институтининг сиртқи бўлими талабаси. Илёсбек эса Фаттоҳ Назаров номидаги мусиқа мактабида ўқийди.

**— Мухлисларингизга тилакларингиз?**

— Уларнинг қалбига қандай йўл билан бўлса ҳам илиқлик бахш эта олсам, улар бизга фақат илҳом бағишлаб турсалар, бас.

**Ғофуржон ЖАБИЕВ**
**суҳбатлашди.**


«ХАЛҚ СЎЗИ»
«НАРОДНОЕ СЛОВО»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир:
Аббосхон
УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
М. ЕГОРОВ (масъул котиб — «Народное слово»),
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
С. ЗИНИН,
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
М. САФАРОВ,
Р. ФАРҲОДИЙ,
И. ХУДОЁРОВ,
И. ШОҒУЛОМОВ,
О. ҚАИПБЕРГЕНОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
Ў. ҲОШИМОВ.

БЎЛИМЛАР:
*Ижтимоий-сиёсий ҳаёт* — 133-57-34; 133-78-92
*Иқтисодиёт* — 136-36-65; 132-10-65
*Маънавият ва маърифат* — 136-35-60;
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар* — 136-29-89, 133-07-48;
*Фан, соғлиқни сақлаш ва халқ таълими* — 132-12-08;
*Янгиликлар ва халқаро ҳаёт* — 132-11-15;
*Котибият* — 133-10-28;
*Эълонлар* — 136-09-25.

**Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 00001-рақам билан рўйхатга олинган.**
Буюртма Г — 2415,
26127 нусхада босилди,
ҳажми — 2 табоқ.
Офсет усулида босилган.
Қоғоз бичими А—2.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда оператор
З. БОЛТАЕВ
томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — А. ОРИПОВ.
Навбатчи муҳаррир — А. ҲАЙДАРОВ.
Навбатчи — Э. МАВЛОНОВ.
Мусаҳҳиҳ — Ш. МАШРАББОЕВ.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.**

*Босишга топшириш вақти — 21.00.*
*Топширилди — 21.00.*
1 2 3 4 5 6


## «Ихлос»дан «Ҳавас»га



Урганчдаги Паҳлавон Маҳмуд номидаги спорт мажмуининг теннис кортларида катта теннис бўйича анъанавий "Ихлос" турнири бўлиб ўтди. Ушбу мусобақаларда Хоразм вилоятининг шаҳар ва туманлари ҳокимликларининг ходимлари, корхоналар, муассасалар ва хўжаликлар раҳбарлари ҳамда масъул ходимлари иштирок этдилар.

Бу галги турнирда теннисчилар ўз мураббийлари билан жуфтликда беллашдилар. Урганч шаҳар ҳокими В.Юсупов ва "Аму-Лада" акциядорлик жамияти раиси А.Кутлиев турнирда ғолиб деб топилди. Улар Ўзбекистон Республикаси Президенти совриви учун ўтказиладиган "Ҳавас" республика турнирида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритишди.

**Т.ШАМАКОВ,**
**ЎзА мухбири.**

## Божхона бекати

### Дорифурушлар қўлга тушди

Сохта тадбиркорлар Минск шаҳридан олинган бир неча минг сўмлик дори-дармонларни ноқонуний равишда Ватанимиз ҳудудига олиб кираётган пайтларида қўлга олиндилар. Улар юкларни 658-«Тошкент — Андижон» йўловчи поездига уланган, Белорусь давлатидан келаётган махсус вагонга жойлаштиришган экан.

Фарғона вилояти божхона бошқармаси ва Миллий хавфсизлик хизмати ходимлари ҳамкорликда олиб борган текширувлар натижасида З.Шоматовадан 275000, Шукурбек Тўйчибоевдан 500000, Убайдулла Қўчқоровдан 3000000, Иномл Жўраевдан 1500000 сўмлик дори-дармонлар зарур ҳужжатларсиз олиб келинаётгани учун давлат фойдасига мусодара қилинди. Шунингдек, С.Маматқулова, М.Мириноятов, И.Баҳриддинов каби фуқаролар ҳам ана шундай ғайриқонуний ҳаракатлари учун қонун олдида жавоб берадиган бўлишди.

### «Тадбиркор» ҳамёнидаги заҳри қотил

Хоразмлик Қаҳрамон Рўзиметов шахсий манфаатини кўзлаб, кишилар соғлиғига таъсир қилувчи, хорижий давлатларда ишлаб чиқарилган психотроп моддаларни республикамиз ҳудудига олиб кираётган вақтида қўлга олинди. 223-«Москва — Душанбе» поездининг 3-вагонини текшириш вақтида «тадбиркор»нинг ёнидан 5592 қути «Диазепом», 480 қути «Финлепсин» ва бошқа заҳри қотил моддалар борлиги аниқланди.

### «Боши» айланган спирт

«Тахтакўпир» божхона маскани ходимлари Қозоғистон Республикаси фуқароси Баймагамбет Алмос Қувондиқ ўғлини 6000000 сўмлик спиртни айланма йўллар орқали олиб кириб келаётган вақтда қўлга олдилар. Ушбу ҳолат бўйича ҳам суриштирув ишлари давом этаётир.

### Туяни ўмармоқчи бўлибди



«Довул ота» божхона маскани ходимлари томонидан ўтказилаётган тадбирлар натижасида давлат рақами Р О53 АСМ бўлган «КамАЗ» автоулови тўхтатилди. Унда Нуржон Салиев деган кимса жами тирик вазни 2515 килограммга тенг бўлган 7 бош туяни ноқонуний равишда мамлакатимиз ташқарисига олиб кетаётган экан. Ушбу жиноий иш юзасидан тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

**Нурбек МУСТАФОЕВ.**

## ДИҚҚАТ, ТАНЛОВ!

## ЗАМОНАМИЗ ҚАҲРАМОНЛАРИ СИЙМОСИНИ ЯРАТАМИЗ

Мустақилликнинг ўтган 10 йилида мамлакатимизда улкан ўзгаришлар, янгиланишлар юз берди.

Кечаётган жараёнларнинг барчаси инсон қалби ва шуурида қанчадан-қанча ҳис-туйғулар, ўй-хаёллар, фикр-мулоҳазалар уйғотмоқда.

Жамиятда янгича тафаккур ва дунёқараш шаклланиб қарор топмоқда, янгиланган ғоялар дунёга келмоқда.

Янги даврни яратаётганларнинг саъй-ҳаракати, фидойилиги, тарбияси бошқаларга ўрнак бўлади. Уларни ҳаётга тийрак кўз билан қарашга, фаолроқ бўлишга ундийди. Шу боис ўқувчиларимиз адиблардан, шоирлардан, жамики ижодкорлардан бугунги кунимиз, бугунги ҳаётимиз қаҳрамонлари қиёфаси мукаммал яратилган бадиий асарларни кутмоқда.

**«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси Ватан мустақиллигидан завқланиб, жонажон Ўзбекистонимиз одамлари ҳаётидаги ўзгаришларни ўз вақтида илғаб, моддий ва маънавий неъматлар яратаётган, миллий ва умуминсоний қадриятларни турмуши ва руҳиятига сингдирган Истиқлол даври адабий қаҳрамони тасвирланган асарларга танлов эълон қилади.**

*Танловга шеърлар, достонлар, ҳикоялар, қиссалар, романлар, драматик ва публицистик асарлар қабул қилинади.*

Компания Бош таҳририяти тавсия этилган асарларни кенг адабий жамоатчилик билан муҳокама асосида Истиқлолимизнинг 10 йиллиги арафасида нашр этади,

**Асарлар танловга 1 июлга қадар тақдим этилиши лозим.**

***ТАНЛОВГА МАРҲАМАТ!***

Газетанинг навбатдаги сони 5 май, шанба куни чиқади.









«Ўзқурилишашёсавдо» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси бошқарув раиси Анваржон Султоновга укаси
**Маҳамаджон СУЛТОНОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон мудофаасига кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилотининг Марказий кенгаши жамоаси Марказий кенгаш раисининг ўринбосари Абдулла Очиловга укаси
**Маннон ОЧИЛОВнинг**
вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси жамоаси қўмита раиси ўринбосари Қурбон Чориевга фарзанди,
**Ҳусниддин ЧОРИЕВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Тошкент Давлат юридик институти жамоаси Экология ва қишлоқ хўжалик ҳуқуқи кафедраси мудири, юридик фанлар доктори Муҳаммади Усмоновга отаси
**Баҳриддин УСМОНОВнинг**
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.